
Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида бугун, 14 октябр куни "Озод метан" ГРС истеъмолчилари табиий газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!
#огоҳлантириш

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида "Озод метан" ГРСида торайтириш мосламаси (шайба) алмаштирилиши муносабати билан бугун, 2022 йил 14 октябр, жума куни мазкур ҳудуддаги аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга маълум муддатга табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Хусусан, "Озод метан" ГРСнинг аҳоли тармоғида фойдаланувчи Авфон, Кўл Элаш, Қумбосди, Тинчлик, Қайнар ва Қайнарбулоқ МФЙлари табиий газ истеъмолчилари таъминотида бугун соат 14:00 дан 17:00 га қадар вақтинчалик узилиш бўлади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

"Ҳудудгаз Фарғона" ГТФ "Ўзбекистонтумангаз" бўлими

Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46

2022-10-14 09:00:33